

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 968-ҳадис

968 - عَنْ أَبْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِأَصْحَابِهِ - يَعْنِي لَمَّا وَصَلُوا الْحِجْرَ؛ دِيَارَ ثُمُودَ -: «لَا تَدْخُلُوا عَلَى هُؤُلَاءِ الْمُعَذَّبِينَ إِلَّا أَنْ تَكُونُوا بَاكِينَ، فَإِنْ لَمْ تَكُونُوا بَاكِينَ فَلَا تَدْخُلُوا عَلَيْهِمْ؛ لَا يُصِيبُكُمْ مَا أَصَابَهُمْ». مُتَقَوْلَةٌ عَلَيْهِ [خ 433، م 2980].

وَفِي رِوَايَةٍ قَالَ: لَمَّا مَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْحِجْرِ قَالَ: «لَا تَدْخُلُوا مَسَاكِنَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ؛ أَنْ يُصِيبَكُمْ مَا أَصَابَهُمْ إِلَّا أَنْ تَكُونُوا بَاكِينَ» ثُمَّ قَطَعَ رَأْسَهُ، وَأَسْرَعَ السَّيْرَ حَتَّى أَجَازَ الْوَادِيَ [خ 4419].

968. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Самуд қавмининг диёри Ҳижр номли жойга етганларида, саҳобаларга: «Анави азобга қолганларнинг ерига кирманг, йиғлаган ҳолда бўлсангиз, мустасно. Агар йиғлаган ҳолда бўлмасангиз, уларнинг ерига кирманг. Тағин уларнинг куни бошингизга тушиб қолмасин», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳижрдан ўтаётуб: «Ўзларига зулм қилганларнинг ерига кирманглар, тағин уларнинг бошига тушган мусибат сизларга ҳам тушмасин. Йиғлаган ҳолда кирсангиз, майли», дедилар. Сўнг бошларини ўраб олдилар ва тез юриб водийдан ўтиб кетдилар».

Шарҳ: Ҳижр водийси, Солиҳ алайҳиссаломнинг миллати бўлган Самуд қавми яшаган жойдир. Пайғамбаримиз с.а.в. ҳижрий 9 йилнинг сўнгларида Табук ғазотига кетаётуб бу водийдан ўтишга мажбур бўлиб қоладилар. Пайғамбаримиз

с.а.в.нинг ҳадисимиздаги буйруғига қўшимча тарзда мусулмон аскарларга бу минтақа ҳақида бошқа маълумотлар хам берганлиги билинмоқда. Масалан, у ердаги қудук сувидан ичмаслик, таҳорат олинмаслик, у сув билан хамир қорилмаслик, хамир қорилган бўлса уни туяларга беришлик бу маълумотлар орасидан жой олмоқда.

Ҳатто, у атрофда ту nab қолган бир кечаларида Расулу Акрам с.а.в: «Бу кеча жуда шиддатли бир тўфон чиқади. Ҳамма туяларини яхшилаб боғласин ва ўтирган жойидан қимиrlамасин, ўрнидан турмасин» деб буюргандир. Ҳақиқатдан хам у туни жуда ҳам шиддатли бир бўрон чиқибди; таҳорат олиш учун ўрнидан турган бирини бўрон ерга қулатибди, туясини излаб келган бирини эса Той тоғига учириб юборибди.

Табук сафарига ва алоҳида Хижр водийсига оид бўлган ҳодисалар ҳақида хабар берган ҳадисимиз, ўтмишдан ибрат олиш учун, ўтмишдаги воқеаларни эслаш ва айрим жойларига кўнгил буришлик ва баъзи бир ўзига хос бўлган муносабатларни кўрсатишга ишорат қилингандир. Қилган хақсизликлари ва итоатсизликлари туфайли Аллоҳнинг азобига дучор бўлган миллатларнинг юртлари ва излари «жиноятчи» номини олган жойлар ва излар бўлиб, кейинги келган наслларнинг ибрат олишлари учун хотираладир. Ибрат олишни талаб қилган бир муомала қаторида, ҳадисимизда йиғлашни тавсия қилинганини кўрмоқдамиз. Йиғламоқ, фалокатга учраганларнинг қолдиқларини томоша қилас экан ҳис-туйғу билан қайғу чекиб, уларнинг аҳволини янада яхши хис этишга ва чуқур тафаккур қилишга йўл очади. Бундай руҳий ҳолатда бўлмаслик эса, у ердан шунчаки ўтиб кетиш, тарихдан сабоқ чиқармаслик каби оғир натижалари бўлган бир хатонинг бажарилиши демакдир. Ёки у ердан ўтган ҳамма инсоннинг улар каби ҳалок қилинишлари маъносини билдиримайди. Пайғамбаримиз с.а.в.нинг: «У ерларга йиғлаган ҳолда киринг чунки, уларнинг бошига келганлар сизнинг хам бошингизга келмасин» деб буюришлари, бу ерда бўлиб ўтган ҳодисаларнинг натижаларини яхшилаб ўйланинг, тушунинг ва уларнинг аҳволларидан ибрат олиб, ҳаётингизни тартибга солинг, бундай фалокатлар сизнинг бошингизга келмасин, демакдир.

Ҳадисимиздаги «азобга дучор бўлганлар» (муazzabin) ифодаси, иккинчи ривоятда «ўзларига зулм қилганлар» (заламу анфусаҳум) шаклида изоҳланади. Бу айни вақтда азобга дучор бўлиш сабабини «зулм» эканлигини кўрсатган бир изоҳдир. Ўтмишдаги воқеалардан дарс чиқармаслик ғафлатдир, яъни зулмнинг бир туридир.

Шунингдек ноҳуш воқеаларга гувоҳ бўлган ён атроф, хоҳласакда хоҳламасакда руҳий таъсир кўрсатади. Пайғамбаримиз с.а.в.нинг у ердан бошини ўраб олган ҳолда тезлик билан ўтиши, бу масаланинг жиддийлигини атрофидагиларга ва кейинги келганларга амали орқали кўрсатиш, шу тарзда уларни унута олмайдиган равишда дарс бериш учундир. Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бу қилган ишлари, Аллоҳга ва Пайғамбарига итоатсизлик қилганлардан қочиш, узоқлашиш маъносида таъбир қилинади.

Чунки, Солих алайҳиссаломнинг миллати итоатсизлик қилиб, мўъжиза тұяни сўйиб, моддий имконларига ва куч қувватларига қарамасдан халок бўлишганди.

Ҳозирги кунимизда ҳам золимларнинг қабри ва қабристонидан ўтишга мажбур бўлиб қолсак, ҳадисимизда буюрилганидек муомалада бўлиш, у ерда кўп вақт ўтказмаслик лозим.

Имом Нававий марҳумнинг, касални зиёрат қилиш бўлимини, ўлганларидан кейин ҳам золимларнинг яшаётганларга таъсир кўрсата олишлари мумкунлигини ифода қилган бу ҳадиси шариф билан тугаллаши, дуруст бўлмаган бир ўлим билан юзма-юз қолмаслик учун эҳтиёт бўлиб яшаш кераклигини ишорат қилган бир натижаси бўлса керак.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

